


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш магистратура  
мутахассислигининг малака талаблари

Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент давлат аграр университети;
- Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14 » август даги 3 - сонли йигилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14 » август даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 410000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишилдир.

## МУНДАРИЖА

Т/п		бет
1.	<i>5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш магистратура мутахассислигининг умумий талаблари.....</i>	4
1.1	Кўлланиш соҳаси.....	4
1.1.1.	<i>5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши.....</i>	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари таснифи .....</i>	4
1.2.1.	<i>5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари.....</i>	4
1.2.2.	<i>5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари.....</i>	4
1.2.3.	<i>5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари.....</i>	5
1.2.4.	<i>5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари.....</i>	5
2.	<i>5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....</i>	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	7
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
2.3	Касбий квалификациялар.....	8
3.	<i>5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш магистратура мутахассислиги ўкув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....</i>	8
3.1.	<i>5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш магистратура мутахассислиги ўкув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....</i>	8
3.2.	<i>5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш магистратура мутахассислиги ўкув режасидаги юклама ҳажми.....</i>	9
	Библиографик маълумотлар.....	10

## **1. 5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш магистратура мутахассислигининг умумий таснифи**

**5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи кундузги таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

### **1.1. Қўлланиш соҳаси**

#### **1.1.1. 5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш (соҳалар бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабининг кўлланилиши.**

Малака талаби **5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишига кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

#### **1.2. 5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи**

##### **1.2.1. 5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

**5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш магистратура мутахассислиги** - узум хосилдорлиги ва сифатини ошириш мақсадида ер, сув, энергетика ва моддий-техника ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш билан узумчилик тармоқларида фан ва ишлаб чиқариш; шу экинлар билан илмий-тадқиқотлар ўтказиш; ўрта маҳсус ва олий таълим муассасаларида, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизими муассасаларда маҳсус фанларни ўқитишни ташкиллаштириш.

##### **1.2.2. 5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятининг объектлари:**

- ер, сув, энергетика ва моддий техник ресурслар;
- қишлоқ хўжалик техника-химик ва биологик воситалар;
- узум маҳсулотини ишлаб чиқариш жараёни;
- узум экинлари селекцияси, ампелографияси ва кўчатларини етиштириш технологияси;

- узум турларининг ассортименти;
- ҳосилга ишлов бериш ва саклаш технологиялари;
- узумчиликнинг корхоналар ва ташкилотларда бошқарув тизими;
- ўқув жараёни;
- илмий-тадқиқот жараёни.

#### **1.2.3. Мутахассислик бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- илмий-тадқиқот фаолияти;
- ишлаб чиқариш-технологик фаолияти;
- лойиха-технологик фаолияти;
- сервис хизматини кўрсатиш фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларда илмий-педагогик ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда);
- консалтинг хизмати фаолияти

#### **1.2.4. 5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир болиши лозим:

##### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- узумчиликда янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойихаларини таҳлил қилиш;
- узум етиширишнинг прогрессив технологияларини кўллаш;
- узумчиликда экспериментал изланиш ишларини намунавий услубиятга асосан мустақил ўтказиш ва улардан олинган натижаларга ишлов бериш;
- ишланмалар бўйича илмий ҳисоботлар тайёрлаш;
- узумнинг янги навларини етишириш усулларини ишлаб чиқаришда синаб кўриш;
- илмий ишларда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш;
- узумчилик соҳасида ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича адабиётлар шарҳларини ишлаб чиқиши, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий семинарлар, симпозиумлар ва илмий-амалий конференциялар ишида иштирок этиши ва маъruzалар қилиш;
- илмий-ишлаб чиқариш матбуотларига мақолалар тайёрлаш;
- инновацион кўргазма ярмаркаларида илмий изланишлар натижаларини намойиш этиши қобилиятига эга бўлиши керак.

##### **Ишлаб чиқариш-технологик фаолияти:**

- фермер ёки бошқа шаклдаги хўжаликларнинг узум етишириш технологияларини ташкил этиш;
- узумнинг янги навларидан фойдаланишни асослаш;
- узумни етиширишда замонавий технологияларни кўллаш;
- ишлаб чиқариш жараёнлари ва агротехник тадбирларни бажарилиш сифатини назорат қилиш;
- замонавий ахборот технологиялар, компьютер техникалари ва коммуникацион воситаларни амалиётда қўллаш;
- узумни кўпайтиришда замонавий технологияларни кўллаш;
- лойиҳавий ва дастурий хужжатларни ишлаб чиқиш;
- касбий этика кодексига риоя қилиши қобилиятига эга бўлиши керак.

### **Лойиха-технологик фаолиятида:**

- узумчиликда лойихаларни ишлаб чиқиш ва қўйишда бирламчи манъбаларни тайёрлаш;
- узум етиширишнинг агротехник тадбирлари бўйича технологик харитасини ишлаб чиқиш **қобилиятига эга бўлиши керак.**

### **Сервис хизмат кўрсатиши фаолиятида:**

- хизмат кўрсатиши соҳасида меъёрий- ҳуқукий хужжатлардан фойдалана олиш;
- узумчилик мутахассислиги бўйича сервис хизмати кўрсатиши **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- меҳнат жамоасига раҳбарлик қилиш;
- ишлаб чиқариш фаолиятини бошқаришни сифатини назорат қилиш ва татбик этиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини ва захираларини режалаштириш ва уларни ишлаб чиқаришга татбик этиш;
- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

### **Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик хамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида педагогик фаолиятда (ўрнатилган тартибда):**

- ўкув фанларини ўқитиши методикасини эгаллаш;
- электрон ўқитиши усулларини эгаллаш;
- олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўкув фанлари узумчилик бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиши;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ностандарт ўкув машғулотларини ўтказиши;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиши учун зарур бўлган ўкув-методик хужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириши;
- ўқитилаётган фан бўйича ўкув машғулотларни ўтказиши учун ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан хамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;
- узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўкув-меъёрий хужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

### **Консалтинг хизмати фаолияти:**

- узумнинг энг серхосил навларини танлаш, етишириш технологиялари хамда қўпайтириш усуллари бўйича фермер хўжаликлари ва шахсий томорқа эгаларига маслаҳат бериши;
- узумчиликда инновацион ишланмалар бўйича таҳлиллар тузиши;
- узумчилик соҳасида илғор тажрибалар ва фан ютуқлари тўғрисида маълумотлар излаши ва уларни умумлаштириш хамда оммалаштириш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш;
- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши

борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштирок этиш.

## **2. 5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишлаш мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган умумий талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда таш7кил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-хукуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил карорлар кабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, саклаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориши, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хulosалар чиқариш, илмий мақолалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- фермер ёки бошқа шаклдаги хўжаликларнинг узум етиштириш технологияларини ташкил этиши;
- узумнинг янги навларидан фойдаланишни асослаши;
- узумни етиштиришда замонавий технологияларни қўллаши;
- ишлаб чиқариш жараёнлари ва агротехник тадбирларни бажарилиш сифатини назорат қилиши;
- замонавий ахборот технологиялар, компьютер техникалари ва коммуникацион воситаларни амалиётда қўллаши;
- узумни кўпайтиришда замонавий технологияларни қўллаш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини ва захираларини режалаштириш ва уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни билиш;

- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқишини билиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат килишда иштирок этишини билиш.

### **2.3. Касбий квалификациялар:**

Агроном, агроном ёрдамчisi, мевачи агроном, узумчи агроном, боғбон, кўчатчи агроном, интенсив боғлар оператори, ҳимояланган ер ва парник хўжалиги агрономи, селекционер, агробиотехнология, тупроқшунос, агрокимёгар, ўсимликларни ҳимоя қилиш ва карантин, қишлоқ хўжалиги уругчилиги техник назоратчisi, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш техник-технологи, бош виночи, бош конъяк устаси, тутчилик агрономи квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

## **3. 5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишлаш магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

### **3.1. Ўқув режа файлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар** **Умумметодологик фанлар блоки:**

миллий гоя Ўзбекистонни ривожланиш стратегияси бўйича билимлар берилиши;

илмий ижод ва тадқиқот методологиясининг аослари, билишнинг умумий усуллари, эмпирик ва назарий тадқиқот усуллари, илмий қонунлар ва қоидалар мантиғи, асослаш ва таҳлил қилиш, ахборот тизимлари ва билимларни тақдим қилиш усуллари тўғрисидаги тасаввурлар шакллантириши;

педагогик технологиилар, педагогик маҳорат, нутқ маданияти асослари, таълимнинг тамойиллари ва замонавий усуллари юзасидан асосий билимларни таъминлаши;

мутахассисликка доир бошқа долзарб илмий, илмий-методологик, илмий-техник ахборот ва билимларни, кўнікма ва ўқувларини шакллантириши;

амалий хорижий тилни, мутахассисликка йўналтирилган ахборот технологиялари ва тизимларини ўзлаштиришни таъминлаши.

#### **Мутахассислик фанлари блоки:**

•муайян мутахассислик бўйича назарий ва амалий билимларни, ўқув ва кўнікмаларни шакллантириши;

•мутахассислик бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан фойдаланиш кўнікмаларини ривожлантириши;

•магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий ўқув ва кўнікмаларни таъминлаши керак.

#### **Танлов фанлари блоки:**

Мутахассислик фанларини ўқитиш услуби билими билан таъминлаш; Магистрантларни истеъмолчилар ва бошқаларнинг талабларидан келиб чиқсан ҳолда, мутахассислик фанларнинг замонавий техника ва технологиялар бўйича эришган ютуқлари бўйича кўшимча маълумотлар билан таъминлаш.

**Илмий фаолият блоки:** илмий тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида қишлоқ хўжалик соҳасида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

#### **Илмий-тадқиқот ишларига бўлган талаблар:**

мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўнікмаларини ҳосил қилиши;

ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириши;

талабаларга соҳа фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини кўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш кўникмасини сингдириши лозим.

#### **Илмий-педагогик ишлар:**

замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усусларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши;

ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш укуви ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

#### **Стажировка:**

Соҳа бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чукурлаштириш;

фан, аграр соҳа ҳамда бошқа тармоқлардаги замонавий техника ва технологиялар билан таништириш;

соҳага тегишли амалий, касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириш;

касбга самарали мослашув имкониятларини таъминлаши лозим.

Стажировка илмий тадқиқот ишлари тақозо этганида индивидуал илмий изланиш ва тажриба-синовларни ўтказиш мақсадида ташкил этилади.

Бунда стажировкага юборилган магистратура талабаси ўқув жараёни жадвалини индивидуал график асосида бажарилиши кўзда тутилади.

### **3.2. 54411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишилаш магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратиласди.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Ўқишининг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*
Назарий таълим ва илмий фаолият	54%
Шу жумладан, мустақил таълим	-
Аттестациялар	9%
Таътиллар	18%
Илмий амалиёт (стажировка)	19%

## **Библиографик маълумотлар**

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

OKC 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

узумчилик, ампелография, касб фаолияти, магистр талаблари, магистратура, лойиҳа-технологик, педагогик, илмий-педагогик иш, малака амалиёти, магистрлик диссертацияси, баҳолаш, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, мундарижа, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, ишлаб чикариш, лойиҳалаш, илмий-тадқиқот жараёнлари.

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Тошкент давлат аграр университети

Ректор  Б.А.Сулаймонов

М.Ү.



20~~1~~0йил « 20 » июль

Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор  З.Хакимов


20~~1~~0йил « 20 » июль

М.Ү.



КЕЛИШИЛГАН:

Лимон етиштирувчилар ва экспорт  
қилувчилар уюшмаси

Раис 

Н.З.Фахрутдинов

201~~1~~0

йил « 30 » июль

М.Ү.



Академик М.Мирзаев номли  
боғдорчилик, узумчилик ва  
виночилик илмий-тадқиқот

институти

Директор 

Ю.Б.Саймазаров

201~~1~~0

йил « 30 » июль

М.Ү.



Ўенилликлар генетик ресурслари  
илмий-тадқиқот институти

Директор 

А.А.Аманов

201~~1~~0



йил « 30 » июль

М.Ү.



**5A411003 – Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишлаш мутахассислиги  
бўйича малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи**

**Ишчи гурух таркиби**

T/p	Ишчи гурух раиси ва аъзоларининг <b>Ф.И.Ш</b>	Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи	Имзо
<b>Раис</b>			
1	М.Мирзасолиев	Мева-сабзавотчилик ва узумчилик факультети декани в.в.б.	
<b>Аъзолари</b>			
2	Г.Сапарова	Мева-сабзавотчилик ва узумчилик факультети ЎУК раиси, ишчи гурух раиси ўринбосари, доцент	
3	И.Нормуратов	Мевачилик ва узумчилик кафедраси, мудири, профессор	
4	З.Абдикаюмов	Мевачилик ва узумчилик кафедраси доценти	
5	И.Ч.Намозов	Мевачилик ва узумчилик кафедраси доценти	

**Ўқув ишлари бўйича проректор**

**С.Я.Исламов**



**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги**

**Бакалавриат таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган  
кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган  
умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

т/р	Вазирлик (идора) нинг ташкилот (корхона) лари учун кадр тайёрланा�ётган бакалавриат таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)*		Вазирлик (идора) нинг таълим йўналишлари (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1	5411000	Мевачилик ва узумчилик таълим йўналиши	<p><b>Битирувчи қуидаги касбий компетенция ва қобилияtlарга эга бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- мевачилик, узумчилик, очик ҳамда ҳимояланган ер мевачилигини самарали юритишни ташкил этишни;</li> <li>- резавор мева, мева, узум, етиштириш ҳамда ҳосилини йигиштириш технологик харитасининг агротехник қисмини тузишни;</li> <li>- резавор мева, мевалар, узумни етиштириш учун талаб этиладиган ишчи кучи, техника воситалари, ўғитлар, уруғлар экиладиган материаллар, кадоклаш идишлари ва бошқа материалларни хисоблай билиши;</li> <li>- резавор мевалар, узум экишни лойҳалаш, боғлар, резавор боғлар ва токзорларни экиш-жойлаштириш учун ер майдонини тақсимланишини;</li> <li>- мева ва узум кўчатини етиштиришда алмашлаб экиш схемасини ишлаб чиқишини;</li> <li>- мева, узум етиштириш учун энг юкори ҳосилли навларни, энг самарали техника воситаларини танлай олишини;</li> <li>- дарахтларга шакл бериш ва уларни кучсиз ўсадиган пайвандларда интенсив боғдорчиликда ўстиришини;</li> <li>- кучли ўсадиган пайвандтагларда ўсадиган уруғли ва данакли мева дарахтларига шакл бериш, узум тупларини кесшини;</li> <li>- куртак ва бошқа тур пайвандларни амалга оширишини;</li> <li>- резавор, мева ва узум кўчатларини етиштиришни;</li> <li>- мева экинлари кўчатлари экилганидан сўнг тўлиқ тутиб олишини таъминланадиган илдиз тизимини ривожлантиришнинг илғор усусларини кўллашни;</li> <li>- исикхоналарда етиштириладиган цитрус экинлари кўчатларига шакл бериш;</li> <li>- ҳимояланган ер иншоатларида цитрус ва резавор мева экинлари ўстирилаётганда ёргулек, ҳарорат, сув ва озиқа моддаларини оптималлаштиришини;</li> <li>- ҳосил бермайдиган ёш ва ҳосил берадиган боғлар, токзорлар, исикхоналарда, очик майдонларда етиштириладиган сабзавот-полиз майдонларида тупрокка ишлов бериш, суғориш, ўғитларни бериш, парваришлаш ва бошқа агротехник чора тадбирларни бажара олишини;</li> <li>- уруғ олиш учун мевали боғлар майдонларида оправдация ўтказиш, уруғларни етиштириш ва тайёрлаш;</li> <li>- боғлар, токзорлар экинларини очик ва ҳимояланган жойда етиштиришда инсон томонидан бевосита ҳамда механизация воситалари ёрдамида бажариладиган ишларни сифатини назорат қилишини;</li> <li>- мевалар ва узумга бирламчи ишлов беришни ва уларни сотувга чиқаришни ташкил этишини;</li> <li>- илмий-изланишлар ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга мустақил татбиқ кила олишини;</li> <li>- мевачилик ва узумчилик агротехнологияларини такомиллаштириш бўйича инновацион ишланмалар, маълумотларни излаб топиш ва амалга оширишини;</li> <li>- меҳнат жамоасини бошқаришда меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва замонавий бошқарув усусларини қўллай билиши;</li> <li>- мевачилик ва узумчилик тармоклари ҳамда меҳнат жамоалари фаолияти натижага бергунича, олдиндан баҳолашни</li> </ul>

			<p>билиши;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- мевачилик ва узумчилик агротехнологиялари бўйича илмий ғояларни тезда ўзлаштириб, танқидий баҳо бериб, уни тадбиқ этиш йўлларини аниклашни;</li> <li>- атроф муҳитни муҳофаза килиш, меҳнат фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, жароҳатланиш ва касбий касалликлар олдини олиш бўйича чора тадбирларни амалга оширишни билиши керак.</li> </ul>
2	5A411002	Мевачилик	<p>Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни магистр мутахассислиги бўйича янада юқори даражада бажариши керак.</p> <p>Бундан ташқари у:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқикот лойиҳаларини таҳлил қилиши;</li> <li>- мева етиштиришнинг прогрессив технологияларини қўллаши;</li> <li>- экспериментал изланиш ишларини намунавий методикага асосан мустақил ўтказиш ва олинган натижаларни статистик таҳлил қилиши;</li> <li>- илмий тадқикотлар натижалари бўйича илмий ҳисботлар тайёрлаш;</li> <li>- янги навлар ва етиштиришнинг истикболли технологияларини ишлаб чиқаришда синаб кўриш;</li> <li>- илмий ишларда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш;</li> <li>- ўтказилаётган тадқикотлар бўйича адабиётлар шарҳларини йигиш, рефератлар ва библиографияларини тузиш;</li> <li>- илмий семинарлар, симпозиумлар ва илмий-амалий конференциялар ишида иштрок этиши;</li> <li>- илмий матбуотларга мақолаларни тайёрлаш;</li> <li>- инновацион кўргазма ярмаркаларида илмий изланишлар натижаларини намойиш этиши лозим.</li> <li>- агрофирма ёки бошқа шаклдаги хўжаликларнинг технологи бўлиб ишлаш;</li> <li>- мева ўсимликларни янги навларидан фойдаланишни асослаши;</li> <li>- мева ўсимликларни етиштиришда замонавий технологияларни қўллаш;</li> <li>- химояланган ерларда цитрус ўсимликларни етиштириш;</li> <li>- ишлаб чиқариш жараёнлари ва агротадбирлар бажарилиши сифатини наорат қилиш;</li> <li>- замонавий ахборот технологиялар, компьютер техникалари ва коммуникацион воситаларни амалиётда қўллаш;</li> <li>- мева ўсимликларни кўпайтиришда замонавий технологияларни қўллаш;</li> <li>- касбий этика кодексига риоя килиши лозим.</li> <li>- илмий лойиҳаларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштиришни, бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиши, илмий лойиҳа командасини бошқариш;</li> <li>- корпоратив ўқитишини ташкил қилиши ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириши;</li> <li>- меҳнат жамоасига раҳбарлик қилиши;</li> <li>- ишлаб чиқариш фаолияти бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ қилиш;</li> <li>- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш ва тадбиқ этиши;</li> <li>- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлик бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усууллари ва механизmlарини ишлаб чиқиши;</li> <li>- атроф-муҳитни муҳофаза килиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштрок этиш ва бошқалар.</li> </ul>
3	5A411702	Субтропик ва цитрус мева экинлари	<p>Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни магистр мутахассислиги бўйича янада юқори даражада бажариши керак.</p> <p>Бундан ташқари у:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқикот лойиҳаларини таҳлил қилиши;</li> <li>- субтропик ва цитrus мева экинлари етиштиришнинг прогрессив технологияларини қўллаши;</li> <li>- экспериментал изланиш ишларини намунавий методикага асосан мустақил ўтказиш ва олинган натижаларни статистик</li> </ul>

		<p>тахлил қилиши;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- илмий тадқиқотлар натижалари бўйича илмий ҳисоботлар тайёрлаш;</li> <li>- янги навлар ва етиштиришнинг истиқболли технологияларини ишлаб чиқаришда синаб кўриш;</li> <li>- илмий ишларда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш;</li> <li>- ўтказилаётган тадқиқотлар бўйича адабиётлар шархларини йигиш, рефератлар ва библиографияларини тузиш;</li> <li>- илмий семинарлар, симпозиумлар ва илмий-амалий конференциялар ишида иштрок этиши;</li> <li>- илмий матбуотларга мақолаларни тайёрлаш;</li> <li>- инновацион кўргазма ярмаркаларида илмий изланишлар натижаларини намойиш этиши лозим.</li> <li>- агрофирма ёки бошқа шаклдаги хўжаликларнинг технологи бўлиб ишлаш;</li> <li>- субтропик ва цитрус мева ўсимликларнинг янги навларидан фойдаланишни асослаши;</li> <li>- субтропик ва цитрус мева ўсимликларни етиштиришда замонавий технологияларни кўллаш;</li> <li>- химояланган ерларда цитрус ўсимликларни етиштириш;</li> <li>- ишлаб чиқариш жараёнлари ва агротадбирлар бажарилиши сифатини наорат килиш;</li> <li>- замонавий ахборот технологиялар, компьютер техникалари ва коммуникацион воситаларни амалиётда кўллаш;</li> <li>- субтропик ва цитрус мева ўсимликларни кўпайтиришда замонавий технологияларни кўллаш;</li> <li>- касбий этика кодексига риоя қилиши лозим.</li> <li>- илмий лойихаларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштиришни, бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни тахлил қилиши, илмий лойиха командасини бошқариш;</li> <li>- корпоратив ўқитиши ташкил қилиши ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириши;</li> <li>- меҳнат жамоасига раҳбарлик қилиши;</li> <li>- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиши ва тадбиқ килиши;</li> <li>- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш ва тадбиқ этиши;</li> <li>- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлик бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва меҳанизмларини ишлаб чиқиши;</li> <li>- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилишда иштрок этиш ва бошқалар.</li> </ul>
4	5A411003	<p>Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишлаш</p> <p>Таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қандай билиши шарт бўлган барча талабларни магистр мутахассислиги бўйича янада юқори даражада бажариши керак.</p> <p>Бундан ташкари у:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва илмий ҳамда амалий натижаларни олиш қобилиятига эга бўлиши;</li> <li>- ечилаётган илмий муаммолар ва топширикларни ечиш қобилиятига эга бўлиши;</li> <li>- интернет тармогида илмий ва технологик жараёнларнинг янги маълумотларини мақсадли излаш қобилиятига эга бўлиши;</li> <li>- узум навларини танлаш, кўпайтириш ва етиштириш технологияси бўйича илмий изланишларни амалга ошириш ҳамда улар натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиши қобилияtlарига эга бўлиши;</li> <li>- илмий изланишлар натижаларини умумлаштириш ва чоп этишга материаллар тайёрлаш қобилиятига эга бўлиши лозим.</li> <li>- узумчиликни ташкил этиш қобилиятига эга бўлиши;</li> <li>- токзор барпо қилиш лойиҳасини тузиш ва жойларда экинларни алмашлаб экиш схемасини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш қобилияtlарига эга бўлиш;</li> <li>- узум кўчатларини тайёрлаш, узум кўчатларини етиштириш, пайванд учун экилган боғ майдонларида апробация ўтказиш қобилияtlарига эга бўлиши;</li> <li>- узум етиштиришнинг технологик картасини тузиш, энг серхосил навларни танлаш, ишлаб чиқариш технологиясига</li> </ul>

		мувофиқ ишни ташкил этиш, бажариладиган ишларнинг сифатини назорат қилиш қобилияtlариiga эга бўлиши;
		- ишларни бажариш учун техника ва механизmlарнинг тайёrlигини текшириш, ишлаб чиқаришга энг самарали механизация воситаларини танлаш қобилияtlариiga эга бўлиши;
		- механизм воситалари, уруғлар, ўғитлар, заҳарли моддалар, кадоқлаш ашёлари, ишчи кучи ва бошқа материалларга бўлган эҳтиёжни хисоблаш ҳамда техник хужжатларни юритиш қобилиятига эга бўлишлари керак;
		- лойиҳаларни бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш, фавкулотдда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни тахлил қилиш, лойиҳа командасини бошқариш қобилиятига эга бўлиши ва бошқалар;

**Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўқув юртлари  
ва малака ошириш бўлими бошлиғи**

**Лимон етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси раиси**

**Академик М.Мирзаев иомидаги бодорчилик, узумчилик ва виночилик  
илемий-тадқиқот институти директори**



**Ш.Жониқулов**

**Н.Фахрутдинов**

**Ю.Саимназаров**

Тошкент давлат аграр университети томонидан 410 000 – Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича тайёрланган малака талаблари ва ўкув режаларини ишлаб чиқиш бўйича турдош олий таълим муассасалари билан  
**КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ**

Қибрай тумани

“30” сюнья 2020 йил

**Қатиашдилар:** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бош бошқармаси бошлиги - А.Холиков, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ўкув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиги – Ш.Жониқулов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини Давлат инспекцияси бошлиги ўринбосари - Б.Муродов, Ўзбекистон фермер, дехкон хўжаликлари ва томорка ер эгалари Кенгashi раиси - А.Хайтов, Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раиси ўринбосари М.Рузметов, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси - Н.Бакиров, Экология ва атроф-мухитни муҳофаза килиш давлат қўмитаси раиси – Ш.Абдураззақов, Лимон етиширувчилар ва экспорт килувчилар уюшмаси раиси – Н.Фахрутдинов, “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси кадрлар, ўкув юртлари ва илмий муассасалари билан ишлаш бошқармаси бошлиги – И.Султонова, “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси бошқарув раисининг биринчи ўринбосари - Р.Курбонов, Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси Кенгаш раиси-М.Тулаходжаева, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори - Н.Э.Нажимов, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ раиси ўринбосари - Р.Очилов, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Уруғчиликни ривожлантириш маркази директори – Ш.Номозов, “Фалла-Алтег” АЖ ишлаб чиқариш корхонаси директори – Қ.Кувватов, ЎзРФА Микробиология институти директори-Қ.Давронов, ЎзРФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий-тадқиқот институти директори-А.Наримонов, Ўсимликларни ҳимоя килиш илмий-тадқиқот институти директори – К.Маматов, Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти директори - А.Хамзаев, Академик М.Мирзаев номидаги “Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти” бош директори - Ю.Саимназаров, Ўсимликлар генетик ресурслари илмий тадқиқот институти директори - А.Аманов, “Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик” илмий тадқиқот институти директори - Р.Низомов, Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳаси иктисадиётни илмий тадқиқот институти директори-Б.Султонов, Атроф-мухит ва табиатни муҳофаза килиш технологиялари илмий тадқиқот институти директори-С.Бўриев, Стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва техник жихатдан тартибга солиш илмий тадқиқот институти директори-А.Хамдамов, Чорвачилик ва паррандачилик илмий тадқиқот институти директори-А.Нурматов, Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти директори-А.Ражабов, Тошкент давлат аграр университети ректори-Б.Сулаймонов, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори-Ў.Умурзаков, Самарқанд ветеринария медецинаси инситути ректори-Х.Юнусов, Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ректори-К.Комилов, Тошкент давлат аграр университети ўкув ишлари бўйича проректори - С.Исламов, ТДАУ Нукус филиали директори-Е.Торениязов, ТДАУ Термиз филиали директори-А.Жўраев, ТошДАУ ўкув-услубий бошқармаси бошлиги-М.Атабаев, таянч ва турдош олий таълим муассасаларининг факультет деканлари, кафедра мудирлари ва етакчи профессор-ўқитувчилари ва таклиф этилганлар

**КУН ТАРТИБИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли, “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

